

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПОЛВОННИЁЗОВ ХУМОЮН ҒАЙРАТЖОН ЎҒЛИ

**ЎТ ОҚИМИГА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ БЛОК БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ДИАГНОСТИК ВА ИНТЕРВЕНЦИОН ЭНДОСКОПИК
ЁНДАШУВЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Полвонниёзов Хумоюн Гайратжон ўғли

Ўт оқимиға жигардан ташқари блок бўлган

беморларда диагностик ва интервенцион

эндоскопик ёндашувларни такомиллаштириш..... 3

Полвонниёзов Хумоюн Гайратжон угли

Совершенствование диагностических и интервенционных

эндоскопических вмешательств у больных

с внепеченочным блоком желчеоттока..... 27

Polvonniyozov Khumoyun Gayratjon ugli

Improving diagnostic and interventional endoscopic

interventions in patients with extrahepatic block

of bile outflow..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 58

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПОЛВОННИЁЗОВ ХУМОЮН ҒАЙРАТЖОН ЎҒЛИ

**ЎТ ОҚИМИГА ЖИГАРДАН ТАШҚАРИ БЛОК БЎЛГАН
БЕМОРЛАРДА ДИАГНОСТИК ВА ИНТЕРВЕНЦИОН ЭНДОСКОПИК
ЁНДАШУВЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Tib5231 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Акбаров Миршавкат Миралимович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хакимов Мурод Шавкатович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллажонов Баҳром Рустамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел./факс: (99871) 277-69-10)

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

С.А. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Р.А. Ибадов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда жигардан ташқари механик сариклик (МС) гепатопанкреатодуоденал соҳа (ГПДС) касалликларининг энг оғир асоратларидан бири ҳисобланиб, шошилишч абдоминал хирургия бўлимларига ётқизиш сабаблари орасида етакчи ўринда туради. Турли муаллифлар маълумотларига кўра, жигардан ташқари механик сарикликка дучор бўлиш ҳолати ҳар йили 100000 аҳолига 10–20 ҳолатдан тўғри келади, кечикиб ташхис қўйилган ва даволаш кечиктирилган беморларда ўлим даражаси 20–40% гача етиши мумкин. МСнинг асосий сабаблари сифатида ўт-тош касалликлари, холедохолитиаз ва катта дуоденал сўрғичи, шунингдек холедохнинг дистал қисмидаги ўсмалар кўрсатилади. Холедохолитиаз ҳолати асоратланган тошли холецистит билан оғриган беморларнинг 30–85% да учрайди, ўсмалар ҳиссаси эса 11,7–24,5% гача етади¹. Айниқса, қўшма асоратлар – холангит ва жигар етишмовчилиги ривожланиши бемор ҳаётига хавф туғдириб, тезкор ва самарали тиббий ёрдамни талаб қилади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда энг долзарб йўналишлардан бири сўнгги ўн йилликларда кам инвазив усулларнинг кенг қўлланилиши, жумладан эндоскопик ретроград панкреатохолангиография (ЭРПХГ), эндоскопик папиллосфинктеротомия (ЭПСТ), эндобилиар стентлаш каби усуллар бўлиб, ташхисда 94% гача аниқлик ва даволашда 78% самарадорлик бериши билан катта афзалликка эга бўлмоқда. Бу амалиётлар кўп ҳолларда катта жарроҳлик операцияларига муқобил бўлиб, операциядан кейинги асоратлар ва ўлим кўрсаткичини 2–4 баробар камайтиради. Шу билан бирга, эндоскопик усуллар билан боғлиқ асоратлар – постманипуляцион панкреатит, қон кетиш, ўн икки бармоқли ичак перфорацияси каби ҳолатлар 1–24% беморларда учрайди, ўлим кўрсаткичи эса 0,2% гача етиши мумкин. Шунинг учун эндоскопик аралашувларни самарали ва хавфсиз ташкил этиш, уларнинг техник ва тактик алгоритмини оптималлаштириш катта аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ўт-тош касалликлари ва холедохолитиаз учраш ҳолатлари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Юртимиздаги йирик тиббий муассасалар маълумотларига кўра, охириги 5 йилда МС билан мурожаат қилган беморлар сони 18–22% га ошган, уларнинг 65–70% да эндоскопик усуллар асосий даволаш воситаси сифатида қўлланилган, бироқ асоратлар сабабли 7–9% ҳолатда қўшимча жарроҳлик аралашувларига эҳтиёж туғилган. Бу ҳолатлар ўз навбатида МСни ташхислаш ва даволаш алгоритмларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган маълумотлардан кўринадики, жигардан ташқари механик сариклик муаммоси замонавий абдоминал хирургияда ҳал этилмаган асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг юқори учраш ҳолатлари, асоратлари ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш мақсадида эндоскопик ва кам инвазив

¹ Dumonceau J. M. et al. Endoscopic biliary stenting: indications, choice of stents, and results: European Society of Gastrointestinal Endoscopy (ESGE) Clinical Guideline–Updated October 2017 //Endoscopy. – 2018. – Т. 50. – №. 09. – С. 910-930.

усулларни янада такомиллаштириш, техник ва тактик алгоритмларни ишлаб чиқиш юқори амалий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, ушбу диссертация тадқиқоти илмий жиҳатдан ҳам, амалиёт нуқтаи назаридан ҳам юқори талабгорликка эга. Маҳаллий жарроҳликни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари механик сариклик билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида етти та устувор йўналиш бўйича аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари белгиланган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, механик сариклик билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли жарроҳлик ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли муаллифларнинг маълумотларига кўра, «мураккаб» канюлятсия учраш даражаси 4-28% ни ташкил қилади. ЭПСТ нинг ноанъанвий усуллари қўллаш хусусан ЭПСТ вақтида дуч келинадиган техник омадсизликларни енгиб ўтишнинг шартларидан бири бўлиб, транспапилляр операциялар комплексини муваффақиятли бажарилишининг гаровидир. Бошқа томондан эса, муаллифлар ўзларининг кўплаб мақолаларида ноанъанавий усулларни қўллаш, стандарт ЭПСТ қўллагандагига нисбатан асоратларнинг кўпроқ ривожланишида статистик аҳамиятга эга бўлган хавф омили сифатида қарайдилар³. Шундай қилиб, юқорида келтирилганлар панкреатодуоденал соҳа касалликларининг диагностика ва давоси бугунги кунда ҳам замонавий билиар хирургиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолаётганлигини кўрсатиб турибди. Эндоскопик аралашувларнинг натижалари, янада чуқурроқ

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

³Кляритская И.Л. с соавт. Современные эндоскопические методы лечения острого и хронического панкреатита // Крымский терапевтический журнал. -2022. -№2. -С.14-20.

ўрганиш ва уларни мукаммаллаштиришни талаб этиб, бу ўз навбатида диагностика ва даво сифатини оширишга ҳамда специфик асоратларнинг келиб чиқишини камайтиришга ёрдам беради. Механик сариклик билан асоратланган гепатопанкреатодуоденал соҳа аъзолари касалликлари билан оғриган беморлар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси ўт йўлларининг эндоскопик ретроград текширувлари сонининг кўпайишига олиб келади, уларни ўтказиш зарурати ушбу патологиялар таркибида 21,9% га етади, бунда 2/3 ҳолларда эндоскопик даво-диагностик транспапилляр ёки супрапепилляр аралашувларни амалга ошириш талаб этилади⁴. Кам инвазив аралашув сифатида эндоскопик амалиётлар МС билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашнинг бирламчи устувор усуллари қаторига киради, аммо уларнинг юқори диагностик (94,3%) ва даволаш самарадорлигига (78%) қарамай, ушбу турдаги аралашувлар учун ўзига хос бўлган асоратлар ривожланишининг эҳтимолий хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда, айниқса уларнинг зарурлигига шубҳа бўлган вазиятларда оқилона ёндашув зарур.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 011800230-сон «Қорин бўшлиғи ва кўкрак қафаси органлари касалликларининг замонавий ташхислаш ва даволаш» мавзуси доирасида бажарилган (2019-2024).

Тадқиқотнинг мақсади механик сариклик билан оғриган беморларда эндоскопик муолажалар натижаларини патогенетик жиҳатдан асосланган ташхис ва даволаш усуллари мажмуасини такомиллаштириш, янги усулларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

механик сариклик ривожланишига олиб келувчи панкреатодуоденал соҳа касалликларининг структурасини ва ушбу касалликларда эндоскопик диагностиканинг самарадорлигини клиник баҳолаш;

дистал тўсиқ фонида механик сариклик билан беморларда ЭРПХГнинг самарадорлигини аниқлаш ва специфик асоратлар учрашини структуравий таҳлил қилиш;

турли генездаги панкреатодуоденал соҳа касалликларида (механик сариклик) ўт оқимининг бузилишини даволашда эндоскопик транспапилляр ва супрапепилляр усуллари кўллаш натижаларини таққослаш орқали баҳолаш;

механик сарикликни даволашда маълум даво-ташхис стандартларини мукаммаллаштириш орқали эндоскопик (кам инвазив) ва анъанавий хирургик усуллар комбинациясини кўллаб, патогенетик асосланган тактик алгоритмни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2023 йиллар давомида «Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМ да жигардан ташқари ўт

⁴Gao Z. et al. The impact of preoperative biliary drainage on postoperative outcomes in patients with malignant obstructive jaundice: a retrospective analysis of 290 consecutive cases at a single medical center //World Journal of Surgical Oncology. – 2022. – Vol. 20. – №. 1. – pp. 7.

йўлларининг турли турдаги блоки сабабли эндоскопик аралашувлар бажарилган 1219 нафар беморнинг комплекс текшируви ва даволаш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети механик сарикликнинг таркибий қисмлари, беморнинг аҳволи, ўткир панкреатитни эрта аниқлаш, операциядан кейинги қон кетиш ва ўткир панкреатитнинг олдини олишни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, инструментал (ЭРПХГ, УТТ, рентгенография, ЭФГДС, компьютер томографияси, МРТ-холангиография), статистик ва тахлилий усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дистал блок фонида механик сариклик билан оғриган беморларда эндоскопик ретроград панкреатохолангиографиянинг диагностик самарадорлиги аниқланган, шунингдек ретроград текширувнинг муваффақиятсиз уринишларининг асосий сабаблари аниқланган, улар орасида катта дуоденал сўргич соҳасининг анатомик хусусиятлари ва чандикли-яллиғланиш ўзгаришлари етакчи рол касб этиши исботланган;

эндоскопик аралашувлар тури ва ўзига хос асоратларнинг ривожланиш частотаси ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланган, бунда атипик супрапапилляр аралашувларда асоратлар хавфи устунлик қилиши аниқланган;

такомиллаштирилган диатермик сиртмоқдан тайёрланган торли папиллотомни (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги қошидаги интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога Патент FAP 2562 14.08.2024й.) клиник самарадорлиги исботланган бўлиб, у стандарт папиллотомга нисбатан яққолроқ коагуляцион таъсири ва қон кетиш частотасини пасайтириши исботланган;

постэндоскопик панкреатит ривожланишининг хавф омиллари аниқланган, бунда унинг ривожланиши билиар панкреатит фонидаги манипуляцияларда сезиларли даражада кўпроқ кузатилиши аниқланган, шунингдек, консерватив чора-тадбирлар самарасиз бўлганда жарроҳлик коррекциясига кўрсатмалар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қиёсий жиҳатдан транспапилляр ва супрапапилляр аралашувларнинг самарадорлиги ўрганилди, шунингдек, қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаблари аниқланди ва ўзига хос асоратлар ривожланишининг эҳтимолӣ хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда эндоскопик аралашувларни амалга оширишнинг асосий тамойиллари аниқланган;

механик сариклик билан оғриган беморларни даволашнинг ишлаб чиқилган тактик эндоскопик даво-ташхис алгоритми, ўт йўллари оқимининг бузилишини босқичма-босқич, алоҳида ёки анъанавий аралашув билан биргаликда эндоскопик коррекциялашнинг энг мақбул усулини танлаш исботланган;

эндоскопик даво-диагностик аралашувларни бажаришнинг тактик ва техник хусусиятлари бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар специфик

асоратлар ривожланиш частотасини камайтириш ва ўт оқими дистал блоки бўлган беморларни даволаш натижаларини яхшилаши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларида фойдаланиш, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллаш, диссертацияда кўриб чиқилган муаммоларни ҳал қилиш усуллари, механик сариклик билан оғриган беморларни ташхислаш ва хирургик даволашда замонавий илмий-амалий ғоялар ва ёндашувларга асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган қоидалар, ҳулосалар ва таклифлар механик сариклик билан оғриган беморларда ЭРПХГ диагностикаси, кўрсатмаларни танлаш, операциядан кейинги даврда консерватив даволашга дифференциал ёндашув тўғрисидаги мавжуд ғояларни ривожлантириш ва кенгайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида механик сариклик даражасига қараб тактик ва техник жиҳатлар оптималлаштирилган ва ёндашув стандартлаштирилган, холедохолитиаз ёки бошқа сабабларнинг мавжудлигига қараб кўрсатмалар аниқланган ва жарроҳлик аралашувини танлашга асосланган, бу эса даволаш натижаларини яхшилангани ва операциядан кейинги асоратлар сонини камайдигани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўт оқимида жигардан ташқари блок бўлган беморларда диагностик ва интервенцион эндоскопик ёндашувларни такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий маълумотлар жорий этилган:

биринчи илмий янгилик: дистал блок фонида механик сариклик билан оғриган беморларда эндоскопик ретроград панкреатохолангиографиянинг диагностик самарадорлиги аниқланган, шунингдек ретроград текширувнинг муваффақиятсиз уринишларининг асосий сабаблари аниқланган, улар орасида катта дуоденал сўргич соҳасининг анатомик хусусиятлари ва чандикли-яллиғланиш ўзгаришлари етакчи рол касб этиши исботланганлиги - Андижон вилояти Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2025-йил 13-февралдаги 22-сонли буйруқ) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2025-йил 12-февралдаги 75-У-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 13-мартдаги 13/24-сон ҳулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: беморларнинг аҳоли яхшиланади, эҳтимолий асоратлар сони камаяди; жарроҳликдан кейинги тикланиш сифати ортади, беморларнинг ҳаёт сифати юксалади. Иқтисодий самарадорлиги: операциядан кейинги қониқарсиз натижаларни олдини олишнинг янги усулини жорий этиш орқали 1 нафар бемор ҳисобига 1500000 сўм иқтисод қилинди (тажрибадан келиб чиқиб, ушбу асоратлар операциядан кейинги даврда ўткир панкреатит ва қон кетишининг ривожланишига олиб келиши мумкин). Такрорий операциялар кўрсаткичи камайди (агар 1 бемор учун тежаш 1500000 сўмни ташкил этган бўлса, йилига

200 бемордан, такрорий жарроҳлик амалиёти билан касалликнинг қайталаниши 5 бемордан 2 беморга камайди, мос равишда бир бемор учун тежаш 1500000 сўмни ташкил этди, йиллик кўрсаткич 3 бемор учун 4500000 сўмни ташкил этди). Хулоса: механик сариклик билан оғриган беморларда ўтказилган эндоскопик даво-диагностик муолажаларнинг натижалари кенг клиник материал асосида ўрганилди, ушбу муолажаларнинг клиник самарадорлиги ва қониқарсиз натижаларнинг асосий сабаб омиллари аниқланиши натижасида йиллик 4500000 (3 бемор учун) сўм иқтисод қилиш имконини берди;

иккинчи илмий янгилик: эндоскопик аралашувлар тури ва ўзига хос асоратларнинг ривожланиш частотаси ўртасида ишончли боғлиқлик исботланиб, бунда атипик супрапапилляр аралашувларда асоратлар хавфи устунлик қилиши аниқланганлиги - Андижон вилояти Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2025-йил 13-февралдаги 22-сонли буйруқ) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2025-йил 12-февралдаги 75-У-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 13-мартдаги 13/24-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: операциядан кейинги даврда транспапилляр ва супрапапилляр аралашувлардан кейин беморларда юзага келиши мумкин бўлган қон кетиш ва ўткир операциядан кейинги панкреатит каби асоратлар сони минималлаштирилади; асоратлар частотасининг пасайиши туфайли беморлар операциядан кейинги реабилитациядан тезроқ ўтадилар ва фаол ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтадилар; операциядан кейинги беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади. Иқтисодий самарадорлиги: транспапилляр ва супрапапилляр аралашувларни келтириб чиқарувчи эканлиги аниқланган омиллар бўйича 1 нафар бемор ҳисобига 1500000 сўм (қон кетиш ва операциядан кейинги ўткир панкреатит каби асоратлар билан боғлиқ ҳолатларда ётоқ кунлари ва даволаниш харажатлари ошади) иқтисод қилиниб, 12 нафар бемор ҳисобига шифохонага ётиш ва даволаниш харажатлари камаяди, жами 18000000 сўм иқтисод қилинади. Хулоса: ўт йўллариининг дистал блоки ҳолатида эндоскопик транспапилляр ва супрапапилляр даво-диагностик муолажаларнинг ўрни ва роли қиёсий жиҳатдан акс эттирилди, уларни бажаришнинг тактик ва техник хусусиятлари аниқланган, шунингдек, ўзига хос асоратларнинг частотаси, тузилиши ва оқибатлари кўрсатилган; операциядан кейинги беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши натижасида йиллик 18000000 (12 бемор учун) сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 12600000 сўм бюджет маблағлари, 5400000 сўм бюджетдан ташқари маблағлардир;

учинчи илмий янгилик: такомиллаштирилган диатермик сиртмоқдан тайёрланган торли папиллотомни (Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги қошидаги интеллектуал мулк агентлигидан ихтирога Патент FAP 2562 14.08.2024й.) клиник самарадорлиги исботланган бўлиб, у стандарт папиллотомга нисбатан яққолроқ коагуляцион таъсири ва қон кетиш частотасини пасайтириши исботланганлиги - Андижон вилояти Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2025-йил 13-февралдаги 22-сонли буйруқ) ва

Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2025-йил 12- февралдаги 75-У-сонли буйруқ) амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 13-мартдаги 13/24-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: операция вақтида ва ундан кейинги асоратлар ривожланишининг олдини олиш чораларини белгилайди; беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланади, беморлар операциядан кейинги реабилитациядан тезроқ ўтадилар ва фаол ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтадилар. Иқтисодий самарадорлиги: ишлаб чиқилган беморларни олиб бориш алгоритми шифохонадан чиққандан кейинги реабилитация ва даволаниш харажатларини 1 нафар бемор ҳисобига иқтисод қилишга олиб келди, жумладан: қайта кўрик - 95000 сўм; қайта қон таҳлили - 50000 сўм; боғлаш харажатлари - 60000 сўм; дори воситалари харажатлари - 55000 сўм (умумий иқтисодий самарадорлик 1 нафар бемор ҳисобига 260000 сўмни, йиллик умумий иқтисодий самарадорлик 20800000 сўмни (80 нафар бемор) ташкил этди). Хулоса: такомиллаштирилган диатермик сиртмоқдан тайёрланган торли папиллотомни стандарт папиллотомга нисбатан қалинроқ кесувчи қисм билан қўллаш, аниқроқ коагуляцион таъсир туфайли транспапилляр ва супрапапилляр папиллотомияда қон кетишининг ривожланиш частотасини камайтириши бир йилда 1 нафар бемор ҳисобига 260000 сўм ва йиллик амалиёт миқёсида 20800000 (80 нафар бемор) сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 14560000 сўм бюджет маблағлари, 6240000 сўм бюджетдан ташқари маблағлардир;

тўртинчи илмий янгилик: постэндоскопик панкреатит ривожланишининг хавф омиллари аниқланган, бунда унинг ривожланиши билиар панкреатит фонидаги манипуляцияларда сезиларли даражада кўпроқ кузатилиши аниқланган, шунингдек, консерватив чора-тадбирлар самарасиз бўлганда жарроҳлик коррекциясига кўрсатмалар аниқланганлиги - Андижон вилояти Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси (2025-йил 13-февралдаги 22-сон буйруқ) ва Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази (2025-йил 12-февралдаги 75-У-сон буйруқ) амалиётига жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий-техник кенгашнинг 2025-йил 13-мартдаги 13/24-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: алгоритм нафақат механик сариқлик клиникаси бўлган беморларни, балки анамнезида ўзгарувчан сариқлик клиникаси бўлган беморларни ҳам кўриб чиқади, уларнинг текшируви инструментал тадқиқотлар, объектив кўрик маълумотлари ва анамнез тўпламига асосланган. Иқтисодий самарадорлиги: шифохонада бир нафар бемор учун иқтисодий кўрсаткич: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 6 кундан 3 кунгача (3 кун) қисқартириш, шифохонада қолиш тўлов миқдорини 1119000 сўмга камайтириш (прейскурантга кўра шифохонада 1 кун қолиш 373000 сўмни ташкил этади); шифохонада бўлиш муддатини 3 кунга қисқартириш ҳисобига 400000 сўмга кам дори-дармон талаб этилади; шифохонада бўлиш муддатини 3 кунга қисқартириш ҳисобига 180000 сўмга кам боғлов материаллари талаб этилади (ўртача боғлов материаллари сарфи кунига 60000 сўмни ташкил этади). Юқоридаги хулосага кўра, умумий йиллик иқтисодий самарадорлик 35200000 сўмни ташкил этади; Хулоса: холедохнинг

дистал блоки фонида механик сариқлик билан оғриган беморларни даволашнинг тактик даво-ташхис алгоритми ишлаб чиқилганлиги 1 йилда 35200000 сўм иқтисод қилиш имконини берди, шундан: 24640000 сўм бюджет маблағлари, 10560000 сўм бюджетдан ташқари маблағларини тежаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро миқёсидаги 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матн материалининг ҳажми 120 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгилик ҳамда натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган. Шунингдек, иш натижаларининг синовдан ўтказилганлиги ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Механик сариқлик билан асоратланган гепатопанкреатодуоденал соҳа касалликларини ташхислаш ва даволашнинг замонавий имкониятлари»**, деб номланган биринчи бобида ГПДС касалликларининг эпидемиологик, этиопатогенетик ва классификацион жиҳатлари ёритилган, замонавий диагностика мезонлари ва механик сариқлик билан асоратланган гепатопанкреатодуоденал соҳа касалликларини даволашда эндоскопик аралашувларни қўллашнинг тараққиёт тарихи ва замонавий тенденциялари кўрсатилган.

Диссертациянинг **«Клиник материалнинг характеристикаси ва қўлланилган тадқиқот усуллари»**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ишимиз «Академик В.Воҳидов номидаги РИХИАТМ» ДМ да 2021-2023 йй. ЭРПХГ ва эндоскопик аралашувлар бажарилган 1219 беморнинг текширув ва даво натижалари таҳлилига асосланган.

Ўтказилган эндоскопик аралашувлар натижаларини таҳлил қилиш учун патология турига кўра беморлар 5 гуруҳга ажратилди: ўт-тош касаллиги (ЎТК) билан беморлар - 611 (50.1%); постхолецистэктомик синдром - 393 (32.2%); ГПДС ўсмалари билан беморлар - 180 (14.8%); холедох кисталари - 7 (0.6%) ва жигар эхинококкозининг ўт йўлларида ёрилиш асорати билан беморлар – 28 (2.3%) (1-жадвал).

1-жадвал**Патология турига кўра беморларнинг тақсимланиши**

Патология	абс.	%
ЎТК	611	50,1
ПХЭС	393	32,2
ГПДС ўсмалари	180	14,8
Холедох кисталари	7	0,6
Жигар эхинококкози	28	2,3
Жами	1219	100

Жадвалдан кўриниб турибдики гуруҳларда ЎТК (50.1%) ва ПХЭС (32.2%) билан беморлар сони устунлик қилмоқда.

Асосий касаллик бўйича беморлар тақсимланганда, ЎТК билан беморлар гуруҳида сурункали тошли холецистит – 362 (29.7%)ни; ГПДС ўсмалари билан беморлар гуруҳида ООБ ўсмалари – 84 (6.9%) ва КДС ўсмалари билан беморлар 52 (4.3%)ни ташкил қилди. ПХЭС билан беморлар гуруҳида эса холедохолитиаз билан беморлар сони – 255 (20.9%)ни ташкил қилди. (2-жадвал).

2-жадвал**Беморларнинг асосий касаллик бўйича тақсимланиши**

патология		абс.	%
ЎТК	Ўткир тошли холецистит	249	20,4
	Сурункали тошли холецистит	362	29,7
ГПДС ўсмалари	КДС ўсмаси	52	4,3
	ООБ ўсмаси	84	6,9
	Жигар дарвозаси ўсмаси	20	1,6
	Ўт қопи ўсмаси	10	0,8
	Холедох терминал қисми ўсмаси	14	1,1
ПХЭС	Холедохолитиаз	255	20,9
	Папиллит	58	4,7
	Гепатикохоледох стриктураси	59	4,8
	ГДА стенози	11	0,9
	ХЛТ фонида ташқи ўт оқмаси	10	0,8
Холедох кистаси		7	0,6
Жигар эхинококкози		28	2,3
Жами		1219	100

Текширилган беморлар 10 ёшдан 78 ёшгача бўлиб, улар орасида аёллар 806 нафар (66.1%)ни ва эркеклар 413 нафар (33.9%)ни ташкил қилди. ЎТК билан беморларнинг ўртача ёши $57,5 \pm 16,0$ ни, ПХЭС билан - $56,3 \pm 14,2$ ёшни, ўсмалар билан эса - $61,1 \pm 12,8$ ёшни ташкил қилди.

Механик сариклик бошланганидан анамнез давомийлиги 59.2% (722) беморларда 10 суткадан ортиқ вақтни, бошқа ҳолатларда эса 10 суткагача вақтни ташкил қилди.

Йўлдош патологиялар эндокрин касалликлар, ўн икки бармоқ ичак яра касаллиги, юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги, ўпка-бронх патологияси ва жигарнинг сурункали диффуз патологияларига бўлинди.

Бажарилган барча эндоскопик аралашувларни умумлаштириб, 2/3 қисм (68.2%) ҳолатларда транспапилляр муолажалар бажарилган, қолган ҳолатларда эса, турли сабаларга кўра, атипик усуллар - тахминан қўйилган супрапапилляр фистула орқали СПХДС бажаришга тўғри келган (3-жадвал).

3-жадвал

Бажарилган эндоскопик аралашувлар структураси

Муолажа тури	абс.	%
ЭПСТ	831	68,2
СПФ+СПХДС	388	31,8
Биринчи уринишда ўт йўллари контрастлаш	1087	89,2
Такрорий молажада ўт йўллари контрастлаш	96	7,9
Холедохни стентлаш	27	2,2
Назобилиар дренаж ўтказиш	27	2,2
ГДани диатермокенгайтириш	7	0,6
Папиллотом тешикни қўшимча кенгайтириш	79	6,5
СПХДС ни қўшимча кенгайтириш	82	6,7

Ҳозирга вақтда йиғилган тажриба ўт йўллари (ЎЙ) самарасиз эндоскопик диагностикаси кўрсаткичини 5.7%гача камайтиришга имкон берди. Бунда 89.2% ҳолатларда биринчи уринишдаёқ ЎЙ ни контрастлаб ЭРПХГ бажаришга эришилиб, фақат 7.9% ҳолатлардагина порцион ЭПСТ ёрдамида 1-3 суткадан сўнг муолажани такрорий бажаришда самарали диагностика амалга оширилмоқда. Таъкидлаб ўтиш лозим, 1219 бемордан 164 (13.5%) нафарида даво мақсадида ноадекват папиллотом ёки супрапапилляр тешикни қўшимча кенгайтириш бажарилди. Кўриб чиқилган давр мобайнида, холедох терминал қисми стриктураси билан 27 ҳолатда эндоскопик стентлаш ва 27 ҳолатда назобилиар дренажлаш бажарилган.

ЎТК билан беморлар гуруҳида 79.2% (484) ҳолатларда холедохолия (ХЛТ) механик сарикликнинг сабаби бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, ПХЭС билан беморлар гуруҳида ҳам 20.9% (255) ҳолатларда холедохолия механик сарикликнинг сабаби бўлган. ЭРХПГ маълумотларига кўра 180

(100%) ҳолатларда механик сарикликнинг сабаби ГПДС ўсмалари бўлган (4-жадвал).


4-жадвал

ЭРХПГ маълумотларига кўра механик сариклик сабаблари

Сабаб	ЎТК		ГПДС ўсмалари		ПХЭС	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Холедохолиятиаз	484	79,2	-	-	255	20,9
ХЛТ+Папиллит	99	16,2	-	-	-	-
Холедох терминал қисми стенози (ХТҚС)	20	3,3	-	-	-	-
Мириizzi синдроми	8	1,4	-	-	-	-
Ўсма	-	-	180	100	-	-
Папиллит	-	-	-	-	57	4,7
Гепатикохоledох стриктураси	-	-	-	-	58	4,8
Гепатикодуоденоанастомоз (ГДА) стенози	-	-	-	-	11	0,9
ХЛТ фонида ташқи оқма	-	-	-	-	10	0,8

Диссертациянинг «Механик сариклик билан касалланган беморларда эндоскопик даво-ташхис аралашувларининг турли усуллари самарадорлигини қиёсий баҳолаш», деб номланган учинчи бобида МС билан асоратланиши мумкин бўлган асосий патологиялар орасидан биз қуйидагиларни ажратиб олдик: ўткир ва сурункали тошли холецистит, ПХЭС, панкреатодуоденал соҳа ўсмалари, холедох кисталари ва жигар эхинококкози.


Умуман 2021-2023 йиллар давомида 1635 ретроград текширувлар ўтказилган бўлиб, юқорида кўрсатилган диагнозлар билан барча беморлар гуруҳининг 20% ни ташкил қилди (1-расм).



1-расм. Асосий патологиядан келиб чиқиб бажарилган ретроград текширувлар структураси

Барча ретроград текширувлар структурасида, патологияга боғлиқ ҳолда диагностик ёки даво мақсадида бажарилган эндоскопик аралашувлар миқдори 74.6% (1635 ЭРПХГдан 1219 таси аралашув)ни ташкил қилди. ЭРПХГ структурасида эндоскопик аралашувлар бажарилиши ўткир тошли холецистит билан беморлар гуруҳида – 88.5% (337 дан 381)ни ва ПХЭС да – 79.6% (339 дан 426) ни ташкил қилган бўлса, КДС ва ХТҚ ўсмалари билан беморлар гуруҳида эса – 100% ни ташкил қилди.

Ретроград холангиографияга уринишларнинг турли сабабларга кўра омадсиз тугаши 93 ҳолатда кузатилиб, 5.7% ни ташкил қилди. ЭРХПГ бажаришда самарасиз уринишлар структурасида асосан парафатерал дивертикул - 43.1% ва КДС равоғидаги чандиқли яллиғланиш – 20.8% сабаб бўлди (2-расм).



2-расм. ЭРХПГ бажаришда самарасиз уринишларнинг асосий сабаблари структураси

ЎТК билан беморлар 611 нафар эди. Айтиш лозимки, 227 (37.1%) беморда мурожаат вақтида механик сариклик белгилари бўлмаган. Бироқ шулардан 145 беморда анамнезида ўтиб кетувчи сариклик белгилари бўлган, қолган 82 беморда эса УТТда холедох кенгайиши ёки холедохохолитиаз топилган. Фёдоров В.Д. ва ҳаммуал. (2000) таснифи бўйича механик сарикликни комплекс баҳолаганда, 61 (10.1%) беморда оғир даража аниқланган.

Эндоскопик аралашувлардан – ЭПСТ 462 (75.6%) беморга, супрапапилляр аралашувлар 149 (24.4%) беморга бажарилган. Шундан, холедохохолитиаз билан 405 кузатувдан 300 (74.1%) беморда ЭПСТ вақтида тошларни ўн икки бармоқ ичак бўшлиғига туширишга муваффақ бўлинган. Холедохохолитиаз сабабли СПХДС бажарилган беморлар гуруҳида (117 бемор) 73 (62.5%) ҳолатда холедох конкременти туширилган. Кесимнинг ўртача масофаси 12 мм ни ташкил қилди.

Супрапапилляр аралашувлар бажарилгандан сўнг 12.5% ҳолатларда, ЭПСТ дан сўнг 6.8% ҳолатларда қон кетиш кузатилиб, панкреатит 7.7% ва 5% ни ташкил қилди. 1 ҳолатда эса СПХДС вақтида ЎБИ перфоратсияси юз берди.

91% ҳолатларда ЭПСТ дан кейин қон кетиши қўшимча коагуляция билан тўхтатилган, 2 нафар бемор эса самарасиз гемостаз сабабли операция қилинган. 1 нафар бемор ўлган. СПХДСда 2 нафар беморда эндоскопик гемостаз самарасиз бўлиб, 15% ни ташкил қилди. Операциядан сўнг 1 нафар бемор ўлган.

Ретроград аралашувларда ЭПСТ ва СПХДС кейин келиб чиққан ЎП сабабли 4 бемор операция қилинган. ЎП ривожланиши натижасида ЭПСТ қилинган гуруҳда ўлим кўрсаткичи 6.3% ни ва СПХДС гуруҳида 12.5% ни ташкил қилди.

Эндоскопик аралашувлардан кейинги асоратлар сабабли консерватив чораларнинг самарасизлиги ЭПСТ дан сўнг 15.8% ва СПХДС дан сўнг 31.8% ҳолатларда шошилиш операциялар бажарилишини талаб қилди.

МС сабабини бартараф этишда эндоскопик аралашувларнинг самарадорлиги иккала усул учун ҳам бир хил бўлиб, СПХДС да 75% ни ва ЭПСТ да 79% ни ташкил қилди. Анъанавий аралашувлар бажарилганда ўлим кўрсаткичи 11.7% ни ташкил қилди.

Гепатопанкреатодуоденал соҳа (ГПДС) ўсма касалликлари билан беморлар гуруҳига 180 (14.8%) бемор киритилди. Ушбу гуруҳда ҳаммаси бўлиб 142 та эндоскопик даво-ташхис аралашувлар бажарилган. Фёдоров В.Д. ва ҳаммуал. (2000) таснифи бўйича механик сариқликни комплекс баҳолаганда, 67 (37.3%) беморда оғир даража аниқланган.

Ушбу гуруҳда (n=180) ЭРХПГ ёрдамида 148 (82.5%) беморда ўт йўллари обструкцияси сабаби аниқланди. 32 (17.5%) кузатувда ЭРХПГ бажарилганда ГПДС ўсмалари тасдиқланмаган. Шунда, ўсмалар 33.3% ХТҚ да, 28.6% жигар дарвозасида ва 20.3% ООБда жойлашган ҳолатларда энг кўп диагностик хатоликларга йўл қўйилган.

Ўтказилган даво-ташхис муолажалардан 77 (42.9%) беморга ЭПСТ, 103 (57.1%) беморга СПХДС бажарилган. Шунингдек, 4 (2.4%) кузатувда холедохни стентлаш бажарилиб, 18 (10.3%) ҳолатда назобилиар дренаж ўрнатилган. ЭРХПГ бажаришда ушбу гуруҳда 159 (88.1%) беморда биринчи уринишдан ўт йўлларини контрастлашга эришилган. Қолган 21 (11.9%) ҳолатларда такрорий муолажаларда канюляция ўтказилган.

Ушбу гуруҳдаги беморларда МСни бартараф этишда эндоскопик аралашувларнинг самарадорлиги 32.5% (53 бемор)ни ташкил қилди. Шундан 38 (75.7%) беморда КДС ўсмалари ва 4 (44.4%) беморда ХТҚ ўсмаларида юқори самара олинди.

ГПДС ўсмалари билан беморларнинг барча гуруҳлари орасида 101 (56.3%) беморга кам инвазив аралашувлар бажарилган. Ахволининг оғирлиги ҳисобга олиниб фақатгина 8 беморга радикал аралашувлар (ПДР ва трансдуоденал папиллэктомия) бажарилган. Ушбу назологик гуруҳда умумий ўлим кўрсаткичи 9.5% (16 бемор) ни ташкил қилди. Бажарилган операциялар турига кўра ўлим кўрсаткичи: анъанавий операциялар бажарилган беморлар гуруҳида – 9.1% (7 бемор) ни ва кам инвазив технологиялар ёрдамида операция қилинган беморлар гуруҳида - 9.9% (9 бемор) ни ташкил қилди.

ПХЭС билан беморлар гуруҳига 393 бемор киритилди. ПХЭС билан беморлар структурасида холедохолитиаз – 255 (65%), гепатикохоледох стриктураси 59 (15%), папиллит – 57 (14.6%), гепатикодуоденоанастомоз торайиши – 12 (2.9%) ва холедохолитиаз сабабли ташқи ўт оқмаси – 10 (2.6%)ни ташкил қилди.

ПХЭС билан беморлар гуруҳида Фёдоров В.Д. ва ҳаммуал. (2000) классификацияси бўйича механик сарикликни комплекс баҳолаганда, 54 (13.9%) беморда оғир даража аниқланган. 35 (7.1%) ҳолатда ретроград холангиографияга уриниш турли сабабларга кўра самарасиз бўлди. ЭРХПГ бажаришдаги самарасиз уринишлар сабаблари структурасида парафатерал дивертикул – 44% (15 бемор) ва КДС равоғидаги чандикли яллиғланиш – 20% (7 бемор)ни ташкил қилди.

Ўтказилган даво-ташхис муолажалардан ЭПСТ 258 (65.7%) беморда, тахминан қўйилган СПФ орқали супрапапилляр аралашувлар 128 (32.5%) беморда бажарилди.

МС сабабидан келиб чиқиб супрапапилляр холедоходуоденостомия (СПХДС) бажарилиш кўрсаткичи 25-42.5%ни ташкил қилди. Папиллит - 42.5% ҳолатларда ва холедох стриктураси – 34.1% ҳолатларда СПХДС бажарилишига сабаб бўлиб, энг юқори кўрсаткични эгаллади. СПФ бажарилишининг энг паст кўрсаткичи ГДА торайишида бўлиб, 25%ни ташкил қилди. 57.5-71.4% ҳолатларда ЭПСТ бажарилган. Холедохолитиаз фонида ташқи ўт оқмаси билан беморларда ЭПСТ бажарилиш кўрсаткичи – 100%ни, холедохолитиазда – 68.5%ни, холедох стриктурасида – 65.9%ни ташкил қилди. ГДА торайишини диатермокенгайтириш 71.4% ҳолатларда бажарилган.

ГДАни диатермокенгайтиришда 7 бемордан 3 нафарида қон кетиш кузатилган. ЭПСТдан сўнг қон кетиши 6.1%ни, ЎП 5.6%ни, СПХДСдан сўнг тегишлича 9% ва 6.7%ни ташкил қилди. ЭПСТ ва СПХДС натижасида ЎИБИ перфоратсияси 1 нафардан беморда кузатилган.

Қон кетиши ёки ЎПда консерватив чоралар кўп ҳолларда самарали бўлган. ЭПСТдан сўнг 1 нафардан бемор қон кетиши ва ЎП билан, 1 бемор СПХДСдан кейинги қон кетиши билан шошилиш операция қилинган.

МСни эндоскопик бартараф этиш самарасиз бўлганлиги сабабли 93 бемор анъанавий усулда операция қилинган. Шунингдек 1 ҳолатда тери орқали жигар орқали холангиостомия бажарилган. 393 бемордан 298 нафарида эндоскопик муолажалар самарали бўлиб, 76.2%ни ташкил қилди.

Барча анъанавий аралашувлар структурасида 43 ҳолатда холедохолитотомия бажарилган. 22 ҳолатда ГЕА қўйилган, 9 ҳолатда ташқи каркасли дренажлаш, 6 беморда холедохни реконструктив – қайта тикловчи операциялар бажарилган. Эндоскопик асоратлар сабабли 2 ҳолатда холедохни ташқи дренажлаш билан қон тўхтатиш бажарилган, 2 ҳолатда ЎИБИ дефекти тикилган, 1 ҳолатда эса ЎП сабабли чарви халтасини очиш бажарилган.

МС нинг ўрта оғир даражасида анъанавий операциялардан сўнг ўлим кўрсаткичи 10%ни, оғир даражасида эса 42.9%ни ташкил қилди. Оғир даражадаги МС билан эндоскопик аралашувлар бажарилган беморлар орасида

ўлим кўрсаткичи – 25%. Эндоскопик аралашувлар бажарилган барча беморлар гуруҳида 6 (2.9%) бемор ўлди. Анъанавий аралашувлардан сўнг эса бу кўрсаткич 10 бемор (8.3%)ни ташкил қилди.

